

«Китобхон ходим» кўрик-танлови ўтказилди

// 09.10.2024

<https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/kitobhon-hodim-kurik-tanlovi-utkazildi>



Бугун «Деҳқонобод калий заводи» АЖда ходимлар орасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш ҳамда Жамиятда мутолаа маданиятини шакллантириш мақсадида «Китобхон ходим» кўрик-танловининг 1-босқичи бўлиб ўтди.

Кўрик-танловда кимёгарлар 3 шарт асосида ўз билимларини синовдан ўтказишди. Ҳайъат аъзоларининг якуний баҳолаш натижасига кўра:

1- ўрин - Муниса Холиқова, Сув таъминоти ва канализация цехи, Кимёвий эритмалар тайёрлаш аппаратчиси;

2 - ўрин - Хасан Ашуров, Малакани баҳолаш маркази бошлиғи;

3 - ўринни - Нилуфар Норқобилова, КЎИЧ 1-цехи тарозибони қўлга киритди.

Ғолиблар пул мукофоти билан тақдирланади.



Эслатиб ўтамыз, «Китобхон ходим» кўрик-танловининг 2-босқичи октабр ойининг 2-ўн кунлигида «Ўзкимёсаноат» АЖда ўтказилиши режалаштирилган.

«Деҳқонобод калий заводи» АЖ Матбуот хизмати